

---

## 9 май хотира ва қадрлаш куни олдидан

Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғ. Ўтганларни, уларнинг хайрли ишларини, жасоратини ёдга олмоқ, эъозламоқ халқимизга хос эзгу фазилатлардандир. Бинобарин, хотира бу – унутмаслик, деганидир. Шунинг билан бирга, хотира – тириклик чашмасидир. Ундан имон-эътиқод билан сув ичганлар авлоди қудратли ва салоҳиятли бўлади.

Акрамовлар оиласи 4 май кунини оила даврасида катта хурсандчилик билан қарши олишар эди. Шу куни таълим соҳасида кўп йиллар давомида фаолият олиб борган устоз М. Акрамовнинг туғилган куни билан кўплаб шогирдлар, опа-сингиллар самимий табриклашар эди.

Бугун эса ушбу кунлар армонга айланди, ҳаёт бўлганларида 65 ёшни қарши олган бўлар эдилар. Устознинг хотираси қалбларда мангу яшайди.

Бугун 26-умумий ўрта таълим мактаби жамаоסי ўзининг фидокорона меҳнатлари билан барчанинг қалбидан жой олган Музаффархон Акрамовни ёдга олишди.

2021-05-04 17:08:43